



ТАЛАБАЛАРНИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК КОРХОНАЛАРДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА - СИНОВ НАТИЖАЛАРИ

Адизова С.Ю.

Бухоро муҳандислик – технология институти мустақил тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: билим, малака, кўникма, касбий фаолият, интеграция, юқори технологик корхона, статистик таҳлил, эҳтиёж, тайёргарлик даражаси.

Ключевые слова: знания, квалификация, навык, профессиональная деятельность, интеграция, высокотехнологичное предприятие, статистический анализ, потребность, уровень подготовки.

Key words: knowledge, qualifications, skill, professional activity, integration, high-tech enterprise, statistical analysis, need, level of training.

Кириш. Ҳозирги Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятга тайёргарлигини ошириш, уларнинг илмий- амалий фаолиятига инновацион ёндашувларни олиб кириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки мутахассиснинг тайёргарлиги пухта бўлса, таълим сифати ва амалий жараён самарадорлигига эришиш мумкин бўлади. Зеро, “янги Ўзбекистон стратегиясининг мустаҳкам таянчи ва суянчи бўладиган тарихий-маънавий омил, яъни бизнинг энг катта бойлигимиз – халқимизнинг улкан маданий мероси, интеллектуал салоҳияти мавжудлигидир. Жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётган ушбу илмий-маънавий мерос дунё маданияти ва маънавияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшилгани маълум. Айнан ана шу омил Янги Ўзбекистон пойдеворини яратишда, илм-фан, маънавий ва маданий фаолият, таълим-тарбия соҳаларини кенг ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш учун асос бўлмоқда”.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг, билим ва кўникмаларини баҳолаш учун ишлаб чиқариш корхоналари билан, махсус ишлаб чиқилган сўровнома (анкета)лар ўтказилиши муҳим аҳамиятга эгадир.



Юқори технологик корхоналар томонидан қўйиладиган малакавий талабларни баҳолаш учун сўровномага қуйидаги имкониятларни берадиган саволларни киритиш тавсия этилади:

- мутахассис кадрларни тайёрлаш учун танланган “60720800 (5320200) - машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш” таълим йўналишлари бўйича, касбий фаолиятларнинг муҳимлиги, мураккаблиги ва бажарилиш тақдорланувчанлигининг аҳамиятини баҳолаш;
- Юқори технологик корхоналарнинг олий таълим муассасалари билан интеграциясининг тайёргарлигини баҳолаш;
- олий таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини баҳолаш ва уларни такомиллаштиришга оид тавсияномаларни ишлаб чиқиш;
- ўрганилаётган таълим йўналиши бўйича мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;
- битирувчи талабаларнинг тайёргарлик даражасини баҳолаш.

Шунингдек, техника олий таълим муассасалари битирувчи талабаларининг анкеталарига таълим муассасаларида эгалланган билим, кўникма ва малакалари даражасини уларнинг ўзлари баҳолаш имкониятини берадиган саволлар киритиши лозим.

Меҳнат бозорини ўрганиш ва касблар бўйича билим, кўникма ва малакаларга оид эҳтиёжни аниқлаш учун тайёргарлик чора – тадбирлари амалга оширилади, ўрганиш объектлари ва иқтисодиёт тармоқлари танланиши керак.

Тайёргарлик чора-тадбирлари меҳнат бозорининг таҳлилини ўрганиш ва бўлажак мутахассисларни касбий билим, кўникма ва малакаларга бўлган талабларини аниқлаш бўйича мамлакатимиз ҳамда халқаро тажрибаларни ўрганишга, семинарлар ўтказишга, тадқиқот объектларини танлаш ва баҳолашга, тадқиқот методларини ўрганиш ва воситаларини ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Иқтисодиёт тармоғини ва касбларни танлашда қуйидаги мезонларга амал қилиш лозим: иқтисодиёт тармоғи учун унинг узлуксиз ривожланиши ва касблар учун меҳнат бозорида уларга бўлган доимий талаб, ҳамда технологияларнинг ўзгариши, янада мураккаб кўникма ва малакаларни татиқ этишни ҳисобга олган ҳолда, ишчи ўқув режа ва ишчи ўқув дастурларни такомиллаштириш эҳтиёжи. Иқтисодиёт тармоқларини танлаш, мос равишда, ҳудудларни танлаш билан ҳам шартланган бўлиши лозим.



Меҳнат бозори таҳлили билим, кўникма ва малакаларга бўлган эҳтиёжларни ўрганишда тадқиқот методлари ва тадқиқот босқичларининг кетма-кетлигига қуйидагилар киради.

Тадқиқот методлари: иқтисодиётнинг танланган тармоғида юқори технологик корхоналар, олий таълим муассасалари бўлажак мутахассислари билан сўровномалар (анкета сўровлари) ва давра суҳбатлари (интервью) ўтказишдан фойдаланиш тавсия этилади.

Юқори технологик корхоналарни (иш берувчиларни) танлаш техника олий таълим муассасалари ва технологик корхоналар ўртасида ўрнатилган интеграцияни ёки ҳудудлардаги меҳнат бозорларида ўрганилаётган йўналишлар бўйича мутахассислар танловини амалга ошираётган технологик корхоналарнинг (иш берувчиларнинг) эркин танловини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Натижа ва муҳокамалар. Талабаларни юқори технологик корхоналардаги касбий фаолиятга тайёрлаш механизмини такомиллаштиришдаги тадқиқот ишилари қуйидагича олиб борилган:

- ўрганилаётган предметни ҳисобга олган ҳолда анкета сўровномалари ишлаб чиқиш;
- ўрганиш объектини танлаш;
- интервьюер ва супервайзерларни танлаш;
- технологик корхоналар сўровини ўтказиш методи бўйича интервьюер ва супервайзерларни тайёрлаш (тренинг ўтказиш), йўриқномалар материаллар билан таъминлаш (анкеталар, йўриқномалар ва ҳ.з.);
- маълумотларни киритиш, ишлов бериш ва ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш учун зарурий дастурларни ишлаб чиқиш;
- ўрганишни ташкил этиш ва ўтказиш;
- ўрганиш натижалари бўйича маълумотларни киритиш, ишлов бериш ва якуний хулосаларни олиш;
- тармоқ стандартлари, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш бўйича тавсияларни тайёрлаш.

Мазкур тадқиқот қуйидаги натижаларга эришишга қаратилган бўлиб, у:

- техника олий таълим муассасалари ва улар билан боғлиқ бўлган юқори технологик корхоналар ўртасидаги интеграцияни ривожлантиришнинг боғловчилари сифатида, технологик корхоналарнинг ролини кучайтириш;
- меҳнат бозори миқёсида олий таълим муассасалари ва уларнинг бўлажак мутахассисларига қўйиладиган талабларни аниқлаш механизмини ишлаб чиқиш;

- тармоқ таълим стандартлари, ўқув режа ва ўқув дастурлари мазмунининг меҳнат бозори талаблари ва технологик корхоналар эҳтиёжлари билан мутаносиблигини таъминлаш имкониятини бериш каби-лардан иборат.

“Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш технологияси” фани бўйича ўқитиш жараёнини ўтказиш учун биз томондан ҳар бир мавзу бўйича маъруза, амалий ва тажриба машғулотлар тузилмаси ва технологик хариталари ишлаб чиқилди. Технологик харитада ҳар бир мавзу бўйича машғулотларни ўтказиш босқичлари, фаол таълим методлари, вақт тақсимоти, ўқитувчи ва талаба фаолияти ёритиб кўрсатиб берилди.

Биз тажриба - синов ишлари ҳамда назорат ишларини республикамизнинг техника олий таълим муассасаларида ўтказдик.

Ушбу муассасаларда тажриба - синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- “60720800 (5320200) - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш” таълим йўналишидаги “Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш технологияси” фани бўйича назорат ва тажриба - синов гуруҳлари танлаб олинди;
- Тажриба - синов ишлари бўйича “Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш технологияси” фанини ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш учун ўқув материаллари, тарқатма материаллар ишлаб чиқилди, ўқув услубий адабиётлари ва дидактик воситалар билан таъминланди;
- Тажриба - синов ўтказиладиган таълим муассасаларида ушбу фанни ўқитишда назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш хоналари ҳолати ўрганилди.

Тадқиқотимизнинг тажриба - синов ишлари мақсади ва вазифалари қуйидагича белгиланди:

- танланган тажриба - синов таълим муассасаларида “Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш технологияси” фанини ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказишни йўлга қўйиш;
- тажриба - синов ишларида иштирок этаётган тажриба - синов ва назорат гуруҳларда “Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш технологияси” фанини ўқитиш бўйича методик тавсиялар, йўриқномалар, кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш;
- ўқитиш жараёнида талабаларни фаоллаштиришга қаратилган фаол таълим методларини қўллаш;



– “Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш технологияси” фанидан талабаларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш.

Тажриба – синов ишларини олиб боришда олинган натижаларни таҳлил қилиш, талабаларнинг касбий билим ва кўникмаларини баҳолаш учун танлаб олинган тажриба - синов гуруҳида такомиллаштирилган ишчи фан дастури асосида ишлаб чиқилган ўқитиш методикаси қўлланилди.

Назорат гуруҳларида ўқитиш жараёни амалдаги анъанавий ўқитиш методикаси асосида амалга оширилган бўлса, тажриба - синов гуруҳларида биз тавсия этган такомиллаштирилган ишчи фан дастури асосида ишлаб чиқилган ўқитиш методикаси бўйича ташкил этилди.

Назорат ва тажриба - синов гуруҳларининг натижалари, оралиқ назоратлар ўтказилиб мунтазам таҳлил қилиниб бир - бирига қиёсланиб берилди.

Биз томондан “Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш технологияси” фанини ўқитишда назорат ва тажриба - синов гуруҳларида талабаларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Фан бўйича ишлаб чиқилган тестлар, саволлар ва топшириқларнинг ўқув мақсади аниқ белгиланди.

Талабаларнинг билими ва кўникмалари тестлар, саволларга берган жавоблари, топшириқларни бажаришлари баҳолаш мезонлари орқали аниқланди.

Тажриба - синов ишларини қайта ишлаш ва уларни статистик таҳлилдан ўтказиш мақсадида қуйидаги параметрик қийматлардан фойдаланилди.

Ўтказилган тажриба - синов гуруҳлари ва назорат гуруҳлари натижаларининг қиёсий таҳлили:

1 - жадвал

Барча олий таълим муассасалари бўйича ўтказилган тажриба - синов натижалари


Талабаларнинг ўзлаштириш даражаси	Тажриба-синов гуруҳида m=204		Назорат гуруҳида n =207	
	Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
Аъло	31 (15%)	80 (39%)	21 (10%)	29 (14%)
Яхши	49 (24%)	80 (39%)	56 (27%)	64 (31%)
Қониқарли	104 (51%)	44 (22%)	110 (54%)	107 (52%)
Қониқарсиз	20 (10%)	–	20 (9%)	7 (3%)

2-жадвал

Олий таълим муассасалари бўйича ўтказилган тажриба - синов натижалари ва хулосалар

№	Кўрсаткичлар	Тажриба бошида		Тажриба охирида	
		Тажриба гуруҳи m= 204	Назорат гуруҳи n= 207	Тажриба гуруҳи m= 204	Назорат гуруҳи n= 207
1	Ўртача арифметик қиймат	3,44	3,37	4,17	3,55
2	Самарадорлик кўрсаткичи	1,02		1,17	
3	Ўртача қиймат ишонч оралиғи	[3,32;3,56]	[3,26;3,48]	[4,07;4,28]	[3,45;3,66]
4	Ўртача қиймат стандарт хатолик	0,86	0,79	0,75	0,77
5	Съюдент статистикаси (Т)	0,84		8,22	
6	Кўрсаткичлар хулосаси	H ₀ гипотеза рад этилади		H ₁ гипотеза қабул қилинади	

Тадқиқотимиз натижасида, барча техника олий таълим муассасаларида тажриба - синов ишлари ниҳоясида, тажриба гуруҳидаги талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожланганлик даражаси назорат гуруҳига



1-расм. Тажриба – синов ўтказилган техника олий таълим муассасалари бўйича натижалар диаграммаси



нисбатан 1,17 баробар юқори кўрсаткичга эга бўлди. Ушбу натижаларнинг диаграмма кўриниши қуйидагича:

Хулоса. Ушбу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, “60720800 (5320200) – Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш” бакалавриат таълим йўналишидаги “Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш технологияси” фанини ўқитишда тажриба - синов гуруҳида олинган натижалар назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлиги. Бу эса олиб борилган тадқиқот ишининг 17 % га самарали эканлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. П.ф.д. диссер. – Т., 2007. 305-б.
2. Ҳимматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси: п.ф.д. (DSc) дисс. автореф. – Т.: 2018. - 70 б.
3. Ўринов У.А. Олий таълим битирувчиларини тайёрлашга оид илмий – услубий ишлар ва тадқиқотлар таҳлили // Муғаллим ҳам узлуксиз билимлендириш. 2020. №1 82-87 б.
4. Adizova S.Yu., Urinov U.A. Pedagogical conditions for the development of students in industrial practice // Scopus journal. E3S Web of Conferences 284, 09017 (2021) TPACEE-2021 <https://doi.org/10./e3sconf/1051202128409017>.
5. Адизова С.Ю. Методика подготовки студентов к профессиональной деятельности на современных предприятиях // «Педагогическое образование» научно-исследовательский журнал.2023, Том4, №10 <http://po-journal.ru>
6. Адизова С.Ю. Машинасозлик йўналиши талабаларида касбий компетенциялар ва техник қобилиятини ривожлантириш имкониятлари //“Таълим ва инновацион тадқиқотлар” халқаро илмий методик журнал. (2021 йил №3) ISSN 2181-1709 (P).
7. Adizova S.Yu. Texnika oliy ta’lim muassasalari talabalarini yuqori texnologiyali korxonalaridagi kasbiy faoliyatga tayyorlash muammosi holati tahlili // Kasb – hunar ta’limi. – Toshkent, 2021. №3.
8. Adizova S.Yu. Texnik sohada innovatsion pedagogik texnologiyalar asosida dars berish jarayonida talabalar intellektual bilimining shakllanishi // “Yoshlarni qo’llab quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili”ga bag’ishlangan professor – o’qituvchilar, ilmiy izlanuvchilar, magistrlar va talabalarining ilmiy -amaliy anjumani tezislari to’plami. Buxoro. 2021yil. 28-29 may.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада инновацион ёндашув асосида талабаларни юқори технологик корхоналардаги касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича тажриба - синов ишлари натижалари ҳақида баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описаны результаты экспериментальной работы по подготовке студентов к профессиональной деятельности на высокотехнологичных предприятиях на основе инновационного подхода.

SUMMARY

This article describes the results of experimental work on preparing students for professional activities in high-tech enterprises based on an innovative approach.